

ЭЗГУЛИКЛАР
АЖИЛ ИШЛАРНИ БЎЖАТМОҚ



Шоира Турсунов
Содиқова билан
сухбат

2-бет

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН
СУВ ИЧАДИ

2003 йил — обод маҳалла йили

4-5-бетлар

ҚОНУН

Муносабат

ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИШИ КЕРАК

6-бет

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АҚШ РАЗВЕДКАСИНИНГ
«ФАНТАСТИК ЮТУҒИ»

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУШ

09

(272)

YURIDIK GAZETA

Mart

D	3	10	17	24	31
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Y	2	9	16	23	30

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan.

E-mail: huquq@infonet.uz



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
МУҲТАРАМ ОНАХОНЛАР,
АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!**

ANJUMAN

2003 йил 27 февраль кuni Республика Бош прокуратурасининг мажлислар залида Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятидаги коррупция: унинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қарши курашиш усуллари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Азимжон Эргашев кириш сўзи билан очди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида коррупцияга: «Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга маддадор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир», — деб таъриф берган эди.

Конференцияга таклиф этилган ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимлари, судьялар ва ҳуқуқшунос олимлар бу иллатнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Улар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.
(Ўз мухбиримиз)

DOLZARB MAVZU

ВАЛЮТА БОЗОРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўтган шанба кuni Тошкент шаҳар прокуратураси мажлислар залида Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликини мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази Бош прокуратура ҳузурдаги солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда «Валюта билан боғлиқ қонунбузарликларга қарши кураш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди. Конференцияда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туман ва шаҳар прокурорлари, СВОЖКБ бўлимлари бошлиқлари, ИИББ, давлат солиқ ва боғжона бошқармалари раҳбарлари, банк бошқаруви раислари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Анжуман муҳокама этилган масала унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, долзарб мавзу атрофида қизгин баҳс-мунозара бўлди. Маърузаларда, муҳокамада қатнашганларнинг фикр-мулоҳазаларида валюта қонунчилигини таъминлашда, бу соҳадаги жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олишда анча муаммолар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Чунончи, валюта қонунчилигини такомиллаштириш, профилактика ва қонунлар тарғиботи ишларини кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Анжуманда муҳокама этилган масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инobatта олинган ҳолда тавсия ишлаб чиқилди.

(Анжуман ҳақидаги батафсил маълумотни «Qonun himoyasida» журналининг 2003 йил март ойи сонидан олинингиз мумкин).

